

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

272 «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятини ташкил қилиш тўғрисида

Миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини, Ўзбекистонда барпо этилаётган замонавий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг журнали сифатида ташкил этилган «Маънавий ҳаёт» журналининг нашр қилиш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази муассислигида юридик шахс мақомига эга бўлган «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан келишилган мав-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

зулар режасига асосан журнал учун материаллар тўплаш, улар асосида илмий мақола ва тахлилий материаллар тайёрлаш, журнални ҳар чоракда бир марта нашр этиш ва тарқатиш;

халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини, Ўзбекистонда барпо этилаётган замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларга бағишланган илмий мақолаларни чоп этиш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама ёритиб бориш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш.

3. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази:

ўн беш кун муддатда «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятини ташкил қилиш ва унинг моддий-техника базасини шакллантириш, журналнинг мунтазам нашр қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини;

«Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятининг низомининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда журнал таҳририяти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва штатлар жадвали тасдиқланишини;

бир ой муддатда журналда чоп этиладиган мақолалар учун муаллифлик ҳақи тўлашни тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилишини;

журнал таҳририяти фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

4. «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририяти бош муҳаррири Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари томонидан тайинланиши ва вазифасидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

5. «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририяти Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биносига ижара тўлови ундирилмасдан жойлаштирилсин.

6. «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятининг пул маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилиши инobatга олинсин:

журнални сотишдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, хорижий ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг грантлари;

бюджет маблағлари (субсидия);

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, бюджет маблағлари (субсидия) «Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятининг ўз даромадлари билан қопланмаган сақлаш харажатларининг тегишли қисмини молиялаштириш учун ажратилади.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги журнални мунтазам равишда имтиёзли нархларда чоп этиш бўйича чоралар кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги:

«Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятини хизмат телефонлари, жумладан, шаҳар телефони, интернет ва бошқа алоқа воситалари билан таъминласин;

журнални мунтазам равишда обуначиларга имтиёзли нархларда етказиши бўйича чоралар кўрсин;

журналнинг веб-сайтини яратишда қўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича унинг ўз даромадлари билан қопланмаган харажатлар қисмини молиялаштириш учун маблағларни (субсидия) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Маданият» соҳаси учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратсин;

«Маънавий ҳаёт» журнали таҳририятига битта хизмат енгил автомобилни сақлаш учун лимит ажратсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 май,
141-сон